

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.04 / 30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЕРМЕКБАЕВА АКБАЛ УРДАБАЕВНА

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА КАРДИОРЕСПИРАТОР
ТИЗИМИНИНГ КОМОРБИД КАСАЛЛИКЛАРИ КЕЧИШИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSс) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ермекбаева Акбал Урдабаевна

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари кечишини эрта ташхислаш ва кечиш хусусиятларини прогнозлаш 3

Ермекбаева Акбал Урдабаевна

Ранняя диагностика и прогнозирование течения коморбидных заболеваний кардиореспираторной системы у больных перенесших COVID-19 23

Ermekebaeva Akbal Urdabaevna

Early diagnosis and prognosis of the course of comorbid diseases of the cardiorespiratory system in patients after COVID-19..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 47

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04 / 30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЕРМЕКБАЕВА АКБАЛ УРДАБАЕВНА

**COVID-19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА КАРДИОРЕСПИРАТОР
ТИЗИМИНИНГ КОМОРБИД КАСАЛЛИКЛАРИ КЕЧИШНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Tib594 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Камилова Умида Кабировна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахимова Дилором Алимовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Абдуқодир Кенжаевич
тиббиёт фанлари доктори

Захидова Машкура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л.Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. COVID-19 пандемияси дунёнинг барча соғлиқни сақлаш тизимлари олдида касалликнинг эрта ташхислаш, даволаш, асоратлари, профилактикаси, реабилитация ҳамда вакцинацияни ташкиллаштириш каби глобал муаммоларни қўймоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра: «коронавируснинг янги штамми - SARS-CoV-2 сабаб бўлган инфекция пандемияси бутун дунё бўйлаб касалланишлар сонининг тез ўсишига ва ўлимнинг юқори бўлишига олиб келди ...»¹. COVID-19 респиратор аъзоларни зарарлаши билан бир қаторда, беморнинг ёши, юрак қон-томир ва бошқа коморбид касалликлар мавжудлиги унинг кечишининг муҳим прогностик мезони эканлиги аниқланди. Кўп марказли тадқиқотлар маълумотларига кўра COVID-19да юрак қон-томир касалликлари мавжуд беморларда ўлим кўрсаткичи юқори бўлиб, бу уларда клиник-функционал жараёнларни объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ҳамда касаллик ривожланишини башоратлаш услубларини ишлаб чиқишни муҳим авазифа қилиб қўяди.

Жаҳонда COVID-19 ўтказган беморларда касалликни клиник кечиши, асоратлари, коморбид ҳолатларнинг ўзига хос клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; специфик биомаркерлар ва молекуляр-генетик омилларни ўрганган ҳолда уларда касаллик турли клиник шакллари этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва эрта белгиларини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотларга эътибор берилмоқда; касаллик асоратлари ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ва прогнозлаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ушбу беморларда клиник жараёнларни объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, касалликнинг ривожланишини башорат қилишда молекуляр-генетик усулларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»². каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда COVID-19 ўтказган беморларда касалликни клиник кечиши, асоратлари, коморбид ҳолатларнинг ўзига хос клиник-генетик ўзгаришларни

¹ World Health Organization. Coronavirus disease 2019 (COVID-19) situation report – 48. Available at: https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200308-sitrep-48-covid19.pdf?sfvrsn=16f7ccef_4. Accessed: March 9, 2020 4

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ташхислаш ва уларни ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. COVID-19 ўтказган беморларда касаллик кечиши ва асоратларни юзага келишининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Нинбо университети қошидаги Лихуили шифохонаси (Хитой), Шарите кардиоваскуляр тадқиқотлар маркази (Германия), Нью-Йорк давлат университетининг кардиология бўлими (АҚШ), Токио университети илмий тадқиқотлар институти (Япония), Чи-Мэй тиббиёт маркази кардиология ва ва интенсив терапия бўлими (Тайвань), Женева университетининг тиббиёт бўлими (Швейцария), Макгилла университети (Канада), Джавахарлала Неру университети биотехнология лабораторияси (Ҳиндистон), Манчестер Геном тиббиёт маркази (Англия), Кардиология Миллий тиббиёт тадқиқот маркази (Россия), Терапия ва профилактик тиббиёт Миллий тиббиёт тадқиқот маркази кардиология бўлими (Россия), В.А.Алмазов номидаги Миллий тиббиёт тадқиқот маркази (Россия), Беларуссия давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

COVID-19 ўтказган беморларда ўпка, юрак, жигар ва буйрак касалликлари кечишининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

www.uni-heidelberg.de, www.univ-agadez.edu.ne, www.umb.edu.pl, www.ucl.ac.uk, www.ninds.nih.gov, www.utoronto.ca, www.aub.edu.lb, www.medline.ru, www.medscape.com/ophthalmology, visionscience.com, www.retina.org/retina, elibrary.ru, medlib.ws, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mmtk.ru, www.opthal.org, www.retinajournal.com, www.bjophthalmol.com, www.eyeworld.org, www.aoj.org, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, pubmed.com, www.dissercat.com, www.elsevier.com.

олинган: коморбид ҳолатларни эрта аниқлаш ва ташхислашда клиник-функционал усулларни қўллашнинг аҳамияти исботланган (Center for Cardiovascular Research Charité, Германия), касаллик ривожланиши ва кечишининг оғирлашишида нейрогуморал тизимда ўзгаришлар юзага келиши исботланган (Institute of Medical Science Tokyo University, Япония), касаллик ривожланиши ва кечишини прогнозлашда молекуляр генетика усулларининг аҳамияти асосланган (School of Biotechnology, Jawaharlal Nehru University, Хиндистон), касаллик прогнозини яхшилашда нейрогуморал омиллар таъсирини тўсиш натижасидаги даволаш ва реабилитация тартибининг аҳамияти исботланган (Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда COVID-19 ўтказган беморларда касалликнинг кечиши, асоратлари, ковиддан кейинги синдромнинг клиник-ташхисоти ва даволашни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: COVID-19 ўтказган беморларда ўпка ва юрак-қон томир касалликларининг кечиши хусусиятлари, коморбид ҳолатлар ривожланишининг патогенетик сабабларини аниқлаш; нейрогуморал ва генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда касаллик асоратларини эрта аниқлаш ва даволашни такомиллаштириш; патологик жараённи ривожланиш хавфини башоратлаш тизимини ишлаб чиқиш; юқори самарали даволаш усулларини яратиш; касалликни оғир кечиши ва асоратларини олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор тадқиқотлар COVID-19 нинг ўпка ва юрак-қон томир тизимига таъсири ва унинг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (Арутюнов Г.П., 2021; Hafiane A. 2020; Nain Z., 2021). COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим касалликларининг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозида муҳим бўлган нейрогуморал омилларни баҳолаш даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Wang T., 2020; Rodríguez C., 2021; Бубнова М.Г., 2021).

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 нинг бевосита ва билвосита эндотелий хужайраларини шикастланиши ренин-ангиотензин-адъостерон тизими (РААТ) фаоллиги оширади ва бу касаллик кечиши зўрайиши ҳамда нохуш прогноз ривожланиши хавфини кучайтиради (Bourgonje A.R, 2020; Тарловская Е.И., 2021). Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда COVID-19 ўтказган беморларда эндотелий дисфункцияси биомаркерлари, РААТ гормонлари миқдорининг ортиши ўлим хавфи ва нохуш прогноз кўпайишини кўрсатди (Mason R.J. 2021; Young K.A., 2021). COVID-19 ва унинг асоратларини даволашнинг замонавий тамойилларида касаллик асоратлари ва нохуш прогнози шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув зарурати асослаб берилган (Luo J., 2021; Мамедов М.Н., 2021).

Ўзбекистонда COVID-19 ўтказган беморларда касаллик кечишининг хусусиятлари ва патогенетик омилларнинг ролини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: COVID-19 бўлган беморларда ички аъзолардаги патофизиологик ўзгаришларнинг ўзига хосликларини баҳолаш (Раимкулова Н.Р., 2022), касаллик патогенезида муҳим аҳамиятга эга РААТнинг гуморал омилларини юрак-қон томир касалликлари

шаклланишидаги ролини аниқлаш (Камилова У.К., Рахимов А.Н., 2022) ва бошқалар. Лекин COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликларининг патогенетик механизмларини молекуляр-генетик услубларни қўллаган ҳолда хусусиятларини илмий асослашга қаратилган тадқиқотлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор касалликлар кечишини башоратлашда гуморал ва молекуляр-генетик омилларни янги тамойилларини асослаб бериш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти MRB-2021-522 «COVID-19 реконвалесцентларида кардиоваскуляр хавфни баҳолаш алгоритми ва мобил иловасини ишлаб чиқиш» амалий гранти доирасида бажарилган (2021–2022йй).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 ўтказган беморларда клиник-гуморал ва генетик предикторларни ҳисобга олган ҳолда кардиореспиратор тизим касалликларини эрта ташхислаш ва кечиш хусусиятларини прогнозлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ўтказган беморларда кардиоваскуляр хавф омиллари учраши ва кардиореспиратор тизим касалликлари коморбид кечиши хусусиятларини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим касалликлари коморбид кечиши ва эндотелий дисфункциясини гуморал омиллари – эндотелин-1, оксид азот (NO), фон Виллебранд омили, тромбомодулин билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

COVID-19 ўтказган беморларда эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизми ва ангиотензин айлантурувчи фермент (ААФ) гени I/D полиморфизми учраш хусусиятлари ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган беморларда эндотелий гуморал омиллари ва эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизми ва ангиотензин айлантурувчи фермент (ААФ) гени I/D полиморфизми хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касаллик кечиши ва нохуш прогнозининг предикторларини аниқлаш;

COVID-19 ўтказган беморларда клиник-гуморал ва генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда кардиореспиратор тизим касалликларини эрта ташхислаш кечишини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2021 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган 220 нафар COVID-19 ўтказган беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, функционал, биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, лаборатор-функционал, молекуляр-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда эндотелий дисфункциясини тавсифловчи гуморал омиллар даражасининг ошиши билан уларнинг клиник кечиши, яллиғланиш маркерлари ва гемостаз кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик асосланган;

COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда эндотелиал NO-синтаза гени T786C ва ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) гени I/D полиморфизмининг тарқалиш ва учраш хусусиятлари аниқланган;

COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда эндотелиал NO-синтаза гени T786C ва ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) гени I/D полиморфизми касаллик ривожланишининг молекуляр-генетик детерминантлари билан касаллик клиник кечиши ҳамда эндотелий гуморал омиллари бузилишлари орасида ассоциацияси исботланган;

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари ривожланиш хавфини аниқловчи клиник-нейрогуморал, визуализацион ва генетик предикторлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари кечишининг клиник, гемодинамик, визуализацион ва иммунофермент солиштирма – ташхисий мезонлари ишлаб чиқилган;

COVID-19 ўтказган беморларда кардиоваскуляр хавф мезонларини эрта баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган;

клиник-нейрогуморал ва генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликларини нохуш кечишини ташхислаш алгоритми ва башоратлаш математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, иммунофермент, асбобий, генетик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликларини ривожланишининг клиник – патогенетик ва генетик жиҳатларини таҳлил қилиш, касалликни эрта ташхислашни муқобиллаштиришга қаратилган тадбирларни изоҳлашда ҳорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликларининг хусусиятларини ўрганиш, касаллик кечишининг клинικο - нейрогуморал ва генетик предикторлари эрта аниқлаш ҳамда ташхислашнинг замонавий ютуқларига катта хисса қўшилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликларни клиник кечиш, визуализация,

нейрогуморал, генетик мезонларга таяниб эрта ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, беморларни касаллик ривожланиши сабабидан келиб чиққан ҳолда унинг кечишини эрта прогнозлаш натижасида асоратларни камайиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари кечишини эрта ташхислаш ва прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликларини эрта ташхислаш бўйича тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари кечишини эрта ташхислаш ва прогнозлаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 3 октябрдаги 8н-з/515-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизим коморбид касалликларини эрта ташхислашни самарали амалга ошириш имконини берган;

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари кечиш хусусиятларини прогнозлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари кечиш хусусиятларини прогнозлаш услуби» мавзусида услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 3 октябрдаги 8н-з/515-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизим коморбид касалликларини эрта прогнозлашни самарали амалга ошириш имконини берган;

COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари кечиш хусусиятларини клиник-диагностик асосларини эрта ташхислаш ва прогнозлашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази, Бухоро вилояти кўптармоқли тиббиёт маркази, Хоразм вилояти кўптармоқли тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси У.Холмурадов номидаги кўптармоқли тиббиёт маркази, Тахиатош туман тиббиёт бирлашмасига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 22 февралдаги 08-04672-сон маълумотномаси). COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари клиник кечишини прогнозлаш, асоратларини олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 171 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 патогенезининг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида COVID-19 патогенезида нейрогуморал омиллар, эндотелий дисфункциясининг гуморал омилларининг ўрни ва уларнинг генетик детерминантлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**COVID-19 ўтказган беморларда клиник-гуморал ва генетик тадқиқотлар материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

220 та COVID-19 ўтказган беморлар тадқиқотга киритилган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $54,6 \pm 11,4$ ни ташкил этди. Уларни 103 (46,36%) аёллардан ва 118 (53,63%) эркаклардан иборат бўлди. Тадқиқотга жалб этилганларнинг барчасини COVID пневмония ўтказган беморлар ташкил этди. Уларда С реактив оқсил миқдори биокимёвий усул билан латекс-агглютинация реакцияси орқали «Humateх CRP» (HUMAN, Германия) тўпламини қўллаган ҳолда аниқланди. Фибриноген биокимёвий ва Д димер иммунофермент усули билан «Вектор-Бест» (Россия) реагентлари ёрдамида аниқланди. 152 та беморда эндотелий дисфункциясининг гуморал омиллари ўрганилди ва эндотелин-1, фон Виллебранд омили (VWF) ELISA ангиотензин 2, тромбомодулин миқдори ELISA Elabscience (АҚШ) реагентлари ёрдамида Humareader HS («HUMAN», Германия) иммунофермент анализаторида ўтказилди. Азот оксиди (NO) Assay Kit Abbkine (Германия) реактиви ёрдамида фермент усулида ўрганилди. Назорат гуруҳи 60 та COVID-19 ўтказмаган беморларлар, солиштирилганда ёшга мос эркаклар ва аёллар гуруҳидан иборат эди. Текширишга қандли диабет, мураккаб аритмияли, жигар ва буйрак касалликлари бор беморлар киритилмади.

Молекуляр – генетик текшириш орқали эндотелиал NO-синтаза гени T786C ва ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) гени I/D полиморфизмининг полимер занжир реакцияси (ПЗР) усули билан Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида ўрганилди. Молекуляр -генетик тадқиқотлар 134 беморда ва 102 соғлом шахсларда ўтказилди. Охириги нуқталар уч ва олти ойдан кейин баҳоланди.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш учун STATISTICA-13,3 дастури ёрдамида ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда, Microsoft Office Excel – 2020 дастурий тўплами ишлатилди. Биз ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметикаси (M), ўртача квадрат оғиш (SD), ўртача стандарт хато (m), нисбий қийматлар (сони,%), ўртача қийматларни


таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стъюдентнинг (t) мезонидан фойданилди.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим касалликларининг кечиш хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари мавжуд беморларда унинг кечиши таҳлили келтирилган.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ковиддан кейинги даврда касалхонага ётқизилган беморларнинг барчаси COVID пневмонияси билан касалланган беморлардир. Касаллик 25 та (11,4%) беморда иситма билан кечган. Магнит- спирал компьютер томография (МСКТ) натижалари бўйича ўпканинг шикастланиш даражасига кўра I даража (0-25%) ўпка шикастланиши бўлган беморлар 120 (54,5%), II даража (25-50%) - 77 (35%) , III даража (50-75%) – 17 (7,3%) ва IV даража 75% дан юқори шикастланиш - 7 (3,2%) ни ташкил этди. Касалхонага ётқизиш пайтида сатурация $90,19 \pm 3,21\%$ ни ташкил қилди. Ковиддан кейинги даврда 72 та (32,7%) бемор кўкрак қафасидаги оғриқларга, 69 та (31,4%) бемор йўталга, 108 та (49,1%) бемор ҳансирашга, 70 та (31,8%) бемор ҳолсизликка шикоят қилган. Асорат сифатида 28 та беморда нафас етишмовчилиги кузатилди.

Текширилган беморларнинг 81 тасида (36,8%) ўпка сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) бўлган. Уларнинг ўртача ёши $56,3 \pm 0,94$ йилни ташкил этди. Беморларнинг 45 та (55,6%) аёллар ва 36 та (44,4%) эркаклар ташкил этади. Касалхонага ётқизиш вақтидаги шикоятлардан 23 та (28,3%) беморда йўтал, 28 тасида (34,6%) беморда кўкрак қафасида оғриқ ва 41 та (50,6%) беморда ҳансираш кузатилди. Сурункали бронхит 92 та (46%) беморда, бронхиал астма эса 33 та (15%) кишида қайд этилди.


COVID -19 ўтказган беморларда 6 ойлик кузатувдан сўнг юрак-қон томир тизимининг коморбид касалликларининг пайдо бўлиши бўйича тадқиқот натижаларини таҳлил қилганда, 151 та (68,5%) беморларда артериал гипертензия (АГ), уларнинг 1/3 қисмида, яъни 74 та (33,6%) беморда семизлик, 83 та (37,7%) беморда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва 41 тасида (18,6%) сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) борлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. COVID-19 ўтказган беморларда касалхонадан кейинги 6 ой даврида кузатилган касалликлар


Сурункали буйраклар касаллиги (СБК) биров камроқ тарқалган – 19 та (8,6%) беморда, бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) - 21 та (9,5%) тадқиқотга жалб қилинганларда учради.

COVID-19 ўтказган беморларда кардиоваскуляр хавф омиллар (ХО) учраши таҳлили шуни кўрсатдики, ирсийлик - 62%, чекиш - 42%, семизлик - 34,5%, гиподинамия - 48%, гиперхолестеринемия - 25% ни ташкил этди (2-расм).



2 - расм. COVID-19 ўтказган беморларда кардиоваскуляр хавф омиллар учраши

Кардиоваскуляр хавф омилларининг битта беморда учраши таҳлили шуни кўрсатдики 1 та ХО учраган беморлар 18,5% ни, 2 ХО ли беморлар 36,6%, 3 тадан кўп ХО бўлган беморлар 35,9% ни ташкил этдилар (3-расм).



3-расм. Кардиоваскуляр хавф омилларининг битта беморда учрашига қараб беморлар таҳлили

Юрак -қон томир касалликлари (ЮҚТК) билан хасталанишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 49 та (22,27%) беморда битта касаллик мавжуд бўлиб, улардан 19 таси (8,63%) 60 ёшдан ошган беморлар (1-жадвал). 38 та (17,27%) беморда иккита ЮҚТК касаллиги (АГ+ ЮИК) кузатилди, улардан 18 таси (8,18%) 60 ёшдан ошган беморлар, 32 та (12,8%) беморда ≥ 3 ЮҚТК кузатилди, улардан

20 таси (9,1%) 60 ёшдан ошганлар. Шунингдек, таъкидлаш керакки, ≥ 3 ЮҚТК 60 ёшдан ошган беморларда кўпроқ учради.

1-жадвал

COVID-19 ўтказган беморларда кардиоваскуляр коморбидлик

Касалликлар	Беморларнинг ўртача ёши	Беморлар сони (%)
ЮҚТК	58,62±1,29	99/45%
Аёлларда	58,7±1,74	51/23,18%
Эркакларда	58,54±1,93	48/21,81%
1 ЮҚТК умумий	55,36±1,85	49/22,27
Аёллар	56,78±2,48	28/12,72
Эркаклар	53,47±2,83	21/9,54
1 ЮҚТК ≥ 60 ёш умумий	68,41±1,36	19/8,63
2 ЮҚТК (АГ+ ЮИК)	59,18±1,77	38/17,27
Аёллар	58,45±2,4	24/10,9
Эркаклар	60,42±2,63	14/6,36
≥ 60 ёш	67,41±0,7	18/8,18
≥ 3 ЮҚТК	61,93±2,03	32/12,8%
Аёллар	61,92±2,6	13/5,2%
Эркаклар	61,94±2,98	19/7,6%
≥ 60 ёш	68,35±1,12	20/9,1%

Касалхонадан кейинги даврда кўплаб беморлар турли шикоятлар билан муружаат қилишни давом этишди. 3 ойдан кейин кузатишда камида 1 белги беморларнинг 36,6% да давом этди ва 6 ойдан кейин кузатишларда эса - 25,7% ни ташкил этди. Беморларда 3 ва 6 ойгача давом этган энг кўп учрайдиган белгилар бу ҳолсизлик – 70 та (31,8%) ва 51 та (24,1%), шунингдек, ҳансираш - 63та (28,6%) ва 38 та (17,9%) беморда кузатилди. Ушбу белгилар 3 ойдан кейин ҳар учинчи беморда ва 6 ойдан сўнг ҳар бешинчи беморда қайд этилди. Дастлабки 3 ой ичида аввалги самарали антигипертензив терапия негизда 40 та (18,1%) беморда қон босими ортиши, шунингдек, юрак уриб кетиши 26 та (11,6%) беморда шикоятлар қаторида эканлигига эътибор қаратилди (2-жадвал). Камдан кам ҳолларда беморларда узок муддатга сақланган кўкрак қафасидаги оғриқ, таъм ва ҳид билишнинг йўқолиши кузатилди.

2-жадвал

COVID-19 ўтказган беморларда касалхонадан кейинги даврда сақланган симптомлар

Симптомлар	3 ой (n=220)	6 ой.(n=212)
Ҳолсизлик	70 (31,8%)	51 (24,1%)
Ҳансираш	63 (28,6%)	38 (17,9%)
Артериал қон босимни кўтарилиши	40 (18,1%)	39 (18,3%)
Юрак уриб кетиши	26 (11,6%)	11 (5,2%)
Йўтал	18 (8,2%)	8 (3,7%)
Кўкрак қафасида оғриқ	9 (4,1%)	7 (2,8%)
Таъм ва ҳид билиш йўқотиш	5 (2,3%)	1 (0,47%)

Шундай қилиб, COVID-19 ни ўтказган беморларда коморбид касалликларнинг учраши, одатда, худди шу ёшдаги беморлар популяциясидаги касалликларга тўғри келди ва артериал гипертензия уларда энг кўп учрайдиган коморбид касаллик бўлди. Бундан ташқари, 4-6 ой ичида «янги» юрак ишемик касаллиги билан

оғриган беморларнинг нисбати ошди. 3 ойлик 0,45% га нисбатан 1,4%. 4-6 ой давомида биринчи уч ойга қараганда кўпроқ миокард инфаркти (МИ) ҳолатлари кузатилди. Худди шундай динамика СЮЕ нинг янги ҳолатларига ҳам тааллуқли бўлиб, бу ҳолат биринчи 3 ойда 0,9% да ва 4-6 ойда 1,4% да эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари мавжуд беморларда эндотелий дисфункциясининг гуморал омилларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари мавжуд беморларда касаллик кечиши ва эндотелий дисфункциясининг гуморал омиллари билан боғлиқлиги таҳлили келтирилган.

Эндотелий кўрсаткичларини баҳолаш, ЮҚТК эндотелин -1 нинг миқдори 94,2±2,36 пг/мл ни ташкил этган бўлса, кардиореспиратор коморбид ҳолатлар бўлган беморларда бу кўрсаткич 17,3% га баланд бўлиб, 110,5±5,2 пг/мл ни ташкил этди (3 – жадвал).

3-жадвал

COVID-19 ўтказган эндотелий функцияси гуморал кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЮҚТК	Ўпка касалликлари	Кардиореспиратор коморбид ҳолатлар
Азот оксиди (NO) (нмоль/мл)	98,9±2,4	78,8±2,4*	115,1±3,3*
Эндотелин -1 (пг/мл)	94,2±2,36	85,6±2,9*	110,5±5,2*
фон Виллебранд омили (%)	125,2±1,3	117,2±6,2*	152,9±3,9**
Тромбомодулин (нг/мл)	1412±45,8	1349±63,7	1426,2±59,5*
Ангиотензин 2 (У/л)	79,63±1,52	79,79±1,57	82,15±2,42

Изоҳ: *-p<0,05; **- p<0,001 ЮҚТК гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли

Фон Виллебранд омили ЮҚТК бўлган беморларда 125,2±1,3% ни ташкил этган бўлса, коморбид ҳолатдаги беморларда 22,1 % га ишончли юқори бўлиб, 152,9±3,9% ни ташкил этди. Бу ўз навбатида NO кўрсаткичини коморбид беморлар гуруҳида ЮҚТК бор беморлар гуруҳига нисбатан 16,8% га юқорилиги билан тавсифланди. SARS-CoV-2 патогенезининг бу босқичлари кардиоваскуляр касалликлар ривожланиш механизмининг марказий босқичи билан бир хил кечади.

Эндотелин-1 эндотелий дисфункциясининг асосий маркерларидан бири бўлиб COVID-19 ўтказган беморларда 90,61±2,36 пг/мл ни ташкил этди, 1 ХО мавжуд беморларда бу кўрсаткич 80,76±16,23ни; 2 ХО мавжуд беморларда - 88,87±3,68 пг/мл, 3 ХО да - 89,07±3,34 пг/мл и 4 ХО - 94,3 ±7,49 пг/мл ни ташкил этди, ҳамда ушбу беморлар гуруҳида 1 та ХО бор беморларга нисбатан 29,3% га (p<0,05) юқори бўлди (4-жадвал). NO – кўрсаткичи, COVID-19 ўтказган беморларда 109,78±0,74 нмоль/мл ни ташкил этган бўлса, 1 та ХО мавжуд беморларда ушбу кўрсаткич 105,5±3,05 нмоль/мл ни, 2 та ХО бор беморларда - 111,6±1,40 нмоль/мл, 3 та ХО мавжудлигида - 123,3±1,08 нмоль/мл (p<0,05) ва 4 та ХО бор беморлар гуруҳида - 129,6±1,32 нмоль/мл ни ташкил этди. COVID-19 ўтказган беморларда фон Виллебранд омили 128,67±1,76% ташкил этган бўлса, 1 ХО бор беморларда 117,06±10,8 % ни, 2 та ХО да - 124,1±2,56% ни, 3 ХО бор беморларда - 129,9±3,66 % (p<0,05) ҳамда 4 ва ундан ортиқ ХО мавжуд беморларда - 134±2,67 % ни (p<0,01), ташкил этди. COVID-19 ўтказган беморларда тромбомодулин кўрсаткичи 1388,5±18,2 пг/мл ташкил этган бўлса, 1 ХО бор

беморларда $1351 \pm 69,79$ ни, 2та ХО да - $1365 \pm 38,1$ пг/мл ни, 3 ХО бор беморларда - $1410 \pm 26,14$ ($p < 0,05$) ҳамда 4 ва ундан ортиқ ХО мавжуд беморларда - $1425 \pm 25,5$ пг/мл ни ($p < 0,01$), ташкил этди. COVID-19 ўтказган беморларда Ангиотензин II, $79,63 \pm 1,52$ U/l, 1 ХО бор беморларда $78,83 \pm 2,43$ ни, 2та ХО да - $82,15 \pm 3,52$, 3 ХО бор беморларда - $85,47 \pm 2,35$ ($p < 0,05$) ҳамда 4 ва ундан ортиқ ХО мавжуд беморларда - $87,26 \pm 6,81$ U/l ни ($p < 0,01$) ташкил этди.



4-жадвал

COVID-19 ўтказган беморларда эндотелий функцияси кўрсаткичларининг кардиоваскуляр хавф омиллари билан боғлиқлиги

№	Кўрсаткичлар	1 ХО (n=5)	2 ХО (n=12)	3 ХО (n=45)	4 и более ХО (n=42)
1	Эндотелин I (пг/мл)	$80,76 \pm 16,23$	$88,87 \pm 3,68$	$89,07 \pm 3,34^*$	$94,3 \pm 7,49^*$
2	Азот оксиди (нмоль/мл)	$105,5 \pm 3,05$	$111,6 \pm 1,40$	$123,3 \pm 1,08$	$129,6 \pm 1,32^*$
3	Фон Виллебранд омили (%)	$117,06 \pm 10,8$	$124,1 \pm 2,56$	$129,9 \pm 3,66^*$	$134 \pm 2,67^{**}$
4	Тромбомодулин (пг/мл)	$1351 \pm 69,79$	$1365 \pm 38,1$	$1410 \pm 26,14^*$	$1425 \pm 25,5^{**}$
5	Ангиотензин 2 (U/l)	$78,83 \pm 2,43$	$82,15 \pm 3,52$	$85,47 \pm 2,35^*$	$87,26 \pm 6,81^{**}$

Изоҳ: ХО – хавф омили; *- $p < 0,05$; **- $p < 0,01$ 1 ХО беморлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли

COVID-19 ўтказган беморлар қонидаги СРО, фибриноген, Д-димер миқдори эндотелий дисфункцияси гуморал омиллари билан боғлиқлиги ўрганилганда, улар орасидаги тўғри боғланиш борлиги аниқланди. Бунда Д-димер учун миқдори меъёр даражада бўлган беморларда эндотелин-1 нинг кўрсаткичи $81,11 \pm 0,06$ пг/мл ни, NO - $105,5 \pm 3,05$ нмоль/мл ни, фон Виллебранд омили (vWF) - $117,06 \pm 10,8\%$ ни, тромбомодулин - $1365 \pm 38,1$ пг/мл ни, ангиотензин II - $68,2 \pm 1,47$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, Д-димер учун миқдори меъёрдан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 1,4; 1,3; 1,6; 1,3 ва 1,2 марта баланд кўрсаткичларда бўлди (4-расм).




4-расм. COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари мавжуд беморларда эндотелин -1 нинг Д-димер ва фибриноген билан корреляцияси

Фибриноген миқдори меъёр даражада бўлган беморларда эндотелин-1 нинг миқдори $88,87 \pm 3,68$ пг/мл, NO - $111,6 \pm 1,40$ нмоль/мл ни, vWF - $124,1 \pm 2,56$ % ни, тромбомодулин - $1365 \pm 38,1$ пг/мл, ангиотензин II - $68,2 \pm 1,47$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, фибриноген миқдори меъёрдан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда эндотелин-1 учун 1,5; NO учун 1,3; vWF учун 1,6;

тромбомодулин учун 1,4 ва ангиотензин II учун 1,5 марта баланд кўрсаткичларни ташкил этди.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари мавжуд беморларда NO-синтаза гени T786C ва ангиотензин айланттирувчи фермент (ААФ) гени I/D полиморфизмининг хусусиятлари ва прогностик аҳамияти» деб номланган бешинчи бобида COVID-19 ўтказган кардиореспиратор тизимининг коморбид касалликлари мавжуд беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг тарқалиш хусусиятлари ва уларнинг прогностик роли таҳлили келтирилган.

Эндотелиал NO-синтаза гени эндотелийда NO синтезига жавоб берувчи, кон-томирлар тонуси регуляциясида, томир девори силлиқ мушаклари фаолиятида ва тромб ҳосил бўлиши жараёнларига иштирок этувчи муҳим фермент ҳисобланади. Эндотелий дисфункцияси ривожланишини генетик детерминантлари - эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизми COVID-19 ўтказган 118 беморда ўрганилганда олинган натижалар T аллеллар 75,8% ва C аллеллар 24,2% ни ташкил этди. Соғлом шахслар гуруҳида T аллеллар 85,3%ни ва C аллеллар 14,7% га тенг бўлди. COVID-19 ўтказган беморларда T786C промоторнинг T/T генотиби 54,1%, T/C генотиби 43,6% ва C/C генотиби 1,3% беморларда аниқланди (5-расм).



5-расм. COVID-19 ўтказган беморларда эндотелиал NO-синтаза гени T786C полиморфизми генотип ва аллеллари тақсимланиши

Натижалар таҳлили COVID-19 ўтказган беморларда NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг T/T генотипининг учраши назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайишини кўрсатди (54,1% беморлар гуруҳида ва 70,7% назорат гуруҳида, $\chi^2=4.9$; $P<0,01$; $OR=0.5$; 95% CI 0.289-0.910).

Назорат гуруҳида популяцион сон таҳлили кўрсатишича: Харди Вайнберг генетик мувозанати бўйича аллеллар тақсимланиш сони $T=0.85$; $C=0.15$; назорат гуруҳида Харди Вайнберг мувозанати (ХВМ) бўйича генотиплар кутилаётган сони тақсимланиши: $T/T=0.73$; $T/C=0.24$; $C/C=0.03$ ни, шунингдек генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони: $T/T=0.70$; $T/C=0.30$; $C/C=0.0$. ($\chi^2=2.2$; $P=0.1$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида) ни ташкил этди. COVID-19 ўтказган беморларида ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиш сони $T=0.76$; $C=0.24$ га тенг бўлди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланишининг кутилаётган сони: $T/T=0.58$; $T/C=0.37$; $C/C=0.05$ ни ташкил этди. Беморлар гуруҳида ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган частотаси: $T/T=0.54$; $T/C=0.45$; $C/C=0.01$ ни ташкил этди (ишончлилик: $\chi^2=3.9$; $P=0.03$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида). ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилиши беморлар гуруҳида: $T/T=0.54$; $T/C=0.44$; $C/C=0.02$ ни ташкил этди ($\chi^2=4.9$; $P=0.01$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида) (5-жадвал).

5 - жадвал

Харди Вайнберг генетик мувозанати бўйича NO-синтаза гени T786C полиморфизмининг тақсимланиши

Аллеллар	Аллеллар учраши				
T	0.76				
C	0.24				
Генотиплар	Генотиплар учраши		χ^2	P	df
	Кузатилаётган	Кутилаётган			
T/T	0.54	0.58	0,365	0.01	1
T/C	0.44	0.37	2,266		
C/C	0.02	0.05	3,518		
Ҳаммаси	1,00	1,00	6,150		

Юқоридаги кўрсаткичларнинг COVID-19 ўтказган беморларда респиратор тизим касалликлари аниқланганда ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиши сони: $T=0.82$; $C=0.18$ ни ташкил этди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кутилаётган частотаси беморлар гуруҳида: $T/T=0.68$; $T/C=0.29$; $C/C=0.03$ ни ташкил этди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.66$; $T/C=0.32$; $C/C=0.02$ ни ташкил этди ($\chi^2=0.4$; $P=0.5$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида). COVID-19 ўтказган ЮҚТК аниқланган беморларда ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиши сони: $T=0.71$; $C=0.29$ га тенг бўлди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кутилаётган сони беморлар гуруҳида: $T/T=0.53$; $T/C=0.40$; $C/C=0.07$ ни ташкил этди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган беморлар гуруҳида: $T/T=0.49$; $T/C=0.48$; $C/C=0.03$. ($\chi^2=1.5$; $P=0.4$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида). COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда ХВМ бўйича аллеллар тақсимланиши сони: $T=0.77$; $C=0.23$ ни ва генотиплар тақсимланиши кутилаётган беморлар гуруҳида: $T/T=0.60$; $T/C=0.35$; $C/C=0.05$ ни ташкил этди. ХВМ бўйича генотиплар тақсимланиши кузатилаётган частотаси беморлар гуруҳида: $T/T=0.55$; $T/C=0.40$; $C/C=0.06$ ($\chi^2=3.4$; $P=0.04$ кутилаётган ва кузатилаётган оралиғида).

COVID-19 ўтказган беморларда T786C полиморфизми аллель ва генотипларининг коморбид ҳолатлар билан боғлиқ таҳлили, T аллеллар

респиратор тизим касалликлари мавжуд беморларда 81,2% ҳолатда, ЮҚТК мавжуд беморларда 77,8% ва кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда 75,4% ҳолларда учрашини кўрсатди. С аллеллар мос равишда 18,8%, 22,2% ва 24,6% ни ташкил этди (5-расм). Т/Т генотип COVID-19 ўтказган беморларида респиратор тизим касалликлари мавжуд беморларда 68,9% ни, ЮҚТК мавжуд беморларда – 56,6% ни ва кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда – 51,3% ни ташкил этиши аниқланди. Т/С генотип мос равишда 29,9%, 43,1% ва 48,1% дан иборат бўлди. Назорат гуруҳидаги бу кўрсаткичлар: Т/Т – 69,1% ва Т/С – 29,3% ни ташкил этди.

ААФ генининг I/D полиморфизмининг аллель ва генотипик шакллари учрашини таҳлил қилиш, функционал салбий аллели назорат гуруҳида 40,2% ва беморларда 51,4% ҳолларда учрашини кўрсатди ($\chi^2=2,9$; $p=0,08$, OR=1,7; 95% CI 0.9408, 2.634). COVID-19 ўтказган беморларда ААФ генининг I/D полиморфизми аллель ва генотипларининг коморбид ҳолатлар билан боғлиқ таҳлили, I аллеллар респиратор тизим касалликлари мавжуд беморларда 56,6% ҳолатда, ЮҚТК мавжуд беморларда 38,9% ва кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда 35,7 % ҳолларда учрашини кўрсатди. D аллеллар мос равишда 43,4%, 61,1% ва 64,3% ни ташкил этди. I/I генотип COVID-19 ўтказган беморларида респиратор тизим касалликлари мавжуд беморларда 41,9% ни, ЮҚТК мавжуд беморларда – 27,8%ни ва кардиореспиратор тизим коморбид касалликлари мавжуд беморларда – 25,7% ни ташкил этиши аниқланди. I/D генотип мос равишда 31,1 %, 22,2% ва 20% дан иборат бўлди. D/ D генотиби мос равишда 27,9%, 50% ва 54,3% ни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги бу кўрсаткичлар: I/I генотиплар – 47,1%, . I/D генотип - 25.5 % ва D/ D – 27,5% ни ташкил этди.

Генотипларнинг учраши қиёсланганда функционал жихатдан салбий I/D ва D/D генотиплар COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор коморбид касалликлар шаклланиши учун хавф аҳамиятига эга эканлиги қайд этилди ($\chi^2=1,3$; $p=0,06$, OR=1,6; 95% CI 0.7166, 3.522; $\chi^2=4.3$; $p=0,04$, OR=3,35; 95% CI 0.6141, 2.966 мос равишда) (6-жадвал).

6-жадвал

COVID-19 ўтказган беморларда ААФ генининг I/D полиморфизми учун ХВМ бўйича генотипларни тақсимланишида кутилаётган ва кузатилган сонлар

Генотиплар	COVID-19 ўтказган беморлар				Назорат гуруҳи			
	Генотиплар сони		χ^2	p	Генотиплар сони		χ^2	p
	Кузати-лаётган	Кути-лаётган			Кузати-лаётган	Кути-лаётган		
I/I	0.34	0.22	7,0	<0,05	0.47	0.36	1,819	<0.05
I/D	0.26	0.5	12,7		0.25	0.48	5,412	
D/D	0.39	0.28	5,7		0.27	0.16	4,026	
Жами	1.0	1.0	25,4		1.0	1,0	11,257	

Генетик тадқиқотлар таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган ААФ ген полиморфизмининг D аллели ва D/D генотипининг COVID-19 ўтказган беморларда коморбид ҳолатлар ривожланиш хавфини оширишга қўшган прогностик ҳиссаси баҳоланди. ААФ генининг I/D полиморфизмининг функционал

салбий D аллелининг ташувчиларда I аллелини ташувчиларга қараганда COVID-19 ўтказган беморларда коморбид ҳолатлар шаклланиш хавфи 1,6 барабар юқори эканлиги аниқланди ($\chi^2=4,7$; $p=0,04$; OR=1.6; 95% CI 1.03, 2.654) ва бу аллель коморбид касаллик ривожланиш хавфи ортишининг муҳим детерминанти ҳамда касаллик кечишининг салбий прогностик омили эканлиги аниқланди. ААФ генининг I/D полиморфизмининг салбий D/D генотипининг COVID-19 ўтказган беморларда назорат гуруҳига қараганда 1,6 барабар кўпроқ учраши кузатилди.

